



Tadqiqot UZ



**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**31 MART
№26**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 26-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
1-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
26-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-1**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
26-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-1**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 26-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 март 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 16 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Murodov Fozil Farmonovich BOSHLANG'ICH SINFI O'QUVCHILARIDA HUQUQIY ONGNI SHAKLLANTIRISH.....	7
2. Бабаджанов Азиз Аюбович, Исламова Дурдонахон Рустамхон қизи ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИНИНГ УСТУВОРЛИГИ.	8
3. Аўжамал Тоқсанбаева SUDYALAR MUSTAQILLIGINING HUQUQIY ASOSLARI.....	10
4. Салимова Диёрахон Бахтиёржон қизи ЎЗБЕКИСТОНДА МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	12
5. Isroilova Sayora Bohodirovna, To'xtamatova Shoxsanam Hayrullojon qizi YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI-MUHIM STRATEGIK KUCH SIFATIDA.....	14
6. Боқиев Хасанбой Ғиёсиддин ўғли ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЕКТЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ ЗАРУРАТИ	16



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA HUQUQIY ONGNI SHAKLLANTIRISH

Murodov Fozil Farmonovich

Navoiy Viloyati, Qiziltepa tuman

28- umumiy o'rta ta'lim maktabi

davlat va huquq asoslari fani o'qituvchisi

Annotatsiya: ushbu maqolada maktabning boshlang'ich sinfdagi o'quvchilarida huquqiy savodxonlikni shakllantirish yuzasidan o'tkazilgan tajriba sinov ishlarining metodikasi va samaradorligi yoritiladi.

O'zbekiston Respublikasining uzluksiz ta'lim tizimining ajralmas va eng asosiy bo'g'ini boshlang'ich ta'limdir. Boshlang'ich ta'limda o'quvchilar huquqiy jixatdan chuqur nazariy va amaliy bilimlar hamda malaka va ko'nikmalarga ega bo'lishi bilan birga milliy urf-odatlar va qadriyatlarni hurmat qilishi, ma'naviy, ruhiy, jismoniy jihatdan sog'lom va barkamol, fuqorolik burch va mas'uliyatini shakllangan bo'lib voyaga yetishlari kerak. O'quvchilarda huquqiy tarbiyalashda maktab miqyosida olib boriladigan, ma'naviy-ma'rifiy ishlarni olib borishda xalqning boy merosidan unumli foydalanish, uning tizimli asosini ishlab chiqish, o'z oldimizga qo'ygan maqsadimizni samarali amalga oshirishiga sababchi bo'ladi, buni biz o'zimiz olib borgan tajribalar va muqaddam olib borgan ishlarni tahliliy xulosasidan bilish mumkin.

Ma'naviy-ma'rifiy ishlar jarayonida boshlang'ich sinf o'quvchilarida huquqiy tushunchalarni shakllantirish - bu har bir o'quvchining ichki hayoti, muhit kechinmalari, aqliy qobiliyatlari, idrokini mujassamlashtirish, Vatan ravnaqi, yurt tinchligi, xalq farovonligi yo'lida xizmat qilish, O'zbekistonda yashayotgan barcha millat va elatlarning qadriyatlari, tili, madaniyati, diniy e'tiqodi, urf-odat va an'analarni hurmat qilish, ularni asrab avaylash va rivojlantirish, ma'rifatli, bilimli, huquqiy jixatdan madaniyatli, ma'naviy-axloqiy fazilatlariga ega bo'lgan shaxs bo'lib yetishishi demakdir.

Yuqoridagi fikrlar va tanlangan mavzuumiz bo'yicha oldinga surgan maqsadimizni amalga oshirish, hamda ilmiy farazini isbotlash maqsadida anketa savollarini tuzib chiqdik. Anketa o'tkazishdan maqsad, boshlang'ich sinf o'quvchilarning ijtimoiy hayotda nechog'lik huquqiy tushunchalarga haqida tushunchaga, bilimga ega ekanliklarini aniqlash, aniqlangan tushuncha va bilimlardan umumiy xulosaga kelish va boshlang'ich sinf o'quvchilarning huquqiy tarbiya va ta'lim haqidagi tushuncha, bilimlarini yanada boyitishdan iborat.

Anketa so'rovlari 2015 yil mart-aprel oylarida Tayloq tuman 39- maktabning 3-sinf o'quvchilaridan (38 nafar o'quvchi) dan o'tkazildi. Bizning Anketa so'rovnomasini o'tkazishdan asosiy maqsad boshlang'ich sinf o'quvchilarida huquqiy tushunchalarning qay darajada shakllanganligini imkon darajasida aniqlab chiqish va mavjud bo'lgan kamchilik va muammolarni ilmiy va pedagogik jihatdan asoslashdir. Dastlab tadqiqotimizning birinchi bosqichida, ushbu Anketa so'rovnomasini o'quvchilardan o'tkazishdan oldin, o'quvchilar bilan suhbatlashib ularga umumiy holda nimalarga e'tibor qilishlari va javoblar haqqoniy, odilona bo'lishligini tushuntirildi. Bu savolnomaga ularning ijodiy va bor bilimi va tarbiyasiga tayangan holda javob berishlari ta'kidlandi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi qonunlari



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИНИНГ УСТУВОРЛИГИ.

Бабаджанов Азиз Аюбович

Сирдарё вилояти Юридик техникум

Ўқув методологик бўлими бошлиғи

Исламова Дурдонахон Рустамхон қизи

Гулистон Давлат Университети талаба

+998973407670 islamovadurdona24@gmail.com

Аннотация: Ривожланаётган мустақил давлатимизда турли соҳаларда туб ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, уларнинг бири инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган суд ҳуқуқ тизими ҳисобланиб, судларни ташкил этишнинг тамойиллари, судьяларнинг тайинловлари, судларнинг очиклиги ва шаффофлигига қаратилган чора-тадбирлардир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон манфаатларининг устуворлигини сақлаб қолиш, гендер ижтимоий тенглик тушунчасига жиддий ёндашувлар талаб этилмоқда.

Калит сўзлар: Суд, ҳуқуқ, гендер, судья, тайинлаш, ижтимоий тенглик, инсон, шахс, моддий манфаат, конституция, халқ, апелляция, инстанция, кассация.

“Асосий мақсадимиз, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода “Адолат кўргони”га айлантиришдан иборатдир”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Суд ҳуқуқ тизимида олиб борилган қатор ўзгаришлар, суд тизимининг қайта ислох қилиниши жамият ривожига салмоқли ҳисса қўшмасдан қолмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур қонунлар суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини қайта кўриб чиқиш тартибини илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, фуқаролар учун одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанцияларини ислоҳ қилишни, назорат тартибида иш юритиш институтини бекор қилишни назарда тутди. Тасдиқланган қонунлар билан ишларни кўриб чиқилишида бир-бирини такрорловчи инстанциялар бекор қилинмоқда, “бир суд – бир инстанция” тамойили жорий этилмоқда. Унга кўра суд тизими: 1-инстанция (туман (шаҳар) судлари, айрим тоифадаги мураккаб ишлар бўйича – вилоят судлари); апелляция инстанция (вилоят даражасидаги судлар); кассация инстанцияси (Олий суд) судлари яратилади.¹ Инсон манфаатларининг ҳар бир соҳада қонуний ҳимояланганлиги турли салбий оқибатларнинг келиб чиқишини олдини олибгина қолмай, балки келажак авлоднинг ҳам ўз қонуний манфаатларини талаб қилишга йўналтиради. Ўтган давр мобайнида суд тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тартибини такомиллаштириш, ҳар бир иш бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли суд қарори чиқарилишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилди, суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди, маъмурий судлар ташкил этилди, шунингдек, судьялик лавозимида муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) тартиби жорий этилди. Судларнинг очик мулоқот тарзида сайёр суд мажлисларида ўтказилиши аҳоли томонидан ижобий маъқулланиб, суд ҳокимиятининг очиклиги ва шаффофлиги, инсон манфаатларининг устувор йўналишда эканлигига алоҳида эътибор қаратилди. Инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар имплементациясида БМТ конвенциявий ҳужжатлари бўйича ҳисоботлар механизми муҳим ўринга эга. 2011 йил бошида Ўзбекистон Республикаси қўшилган БМТнинг асосий ҳужжатлари бўйича Ташкилотнинг тегишли кўмиталарида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони



инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасидаги асосий ҳужжатлар бўйича миллий ҳисоботлар тақдим этилиб, кўриб чиқилган, жумладан, «Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция»; «Ирқий камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция»; «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция», «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция», «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»; «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» ҳужжатлари бўйича ҳисоботлар топширилган.¹ Юқоридаги халқаро конвенция ва пакатлар ўз навбатида, демократик давлатнинг асоси бўлибгина қолмасдан, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда илғам қадамлардан бири ҳисобланади. Айнан, миллий башариятимизда инсон ҳуқуқларнинг тўлақонли равишда татбиқ этилиши, суд тизимидаги қатор ислохотлар, хусусан, судга қадар иш юритув босқичида лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллашни жорий қилиниши, шунингдек, биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юкланиши, суднинг жиноят иши кўзғатишга доир ваколатини чиқарилиши – жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириб, суднинг мустақиллиги, холислиги ва беғаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилиши қайд этилди.² Шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил ривожлантириш ва миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш масаласида қатор вазифалар белгиланиб, уларнинг амалда қўлланиши назоратга олинган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармони
2. 2012 йил 14 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилишнинг моҳияти ва аҳамияти» мавзусидаги илмий-амалий конференциядан
3. А.Х. Саидов “Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси” ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. — Т., 2012. 304 б.

¹ А.Х. Саидов “Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси” ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. — Т., 2012. 304 б.

² 2012 йил 14 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилишнинг моҳияти ва аҳамияти» мавзусидаги илмий-амалий конференциядан



SUDYALAR MUSTAQILLIGINING HUQUQIY ASOSLARI

Ayjamal Toqsanbaeva

Berdaq nomidagi Qoraqalpoq Davlat Universiteti
Yuridika fakulteti Yurisprudenciya yo'nalishi talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada sudyalarning odil sudlovni amalga oshirishning asosiy prinsiplaridan biri bo'lgan sudyalar mustaqilligining qonun bilan belgilangan huquqiy asoslari bo'yicha mulohaza yuritilgan.

Kalit so'zlar: Odil sudlov, sud hokimiyati, sudyalar va xalq maslahatchilari, jinoiy javobgarlik, qonun ustuvorligi, oqlov hukmlari ko'rsatkichlari.

Mamlakatimiz hayotida, fuqarolarimizning huquq va erkinliklarini to'liq ta'minlanishiga erishishda odil sudlovning ahamiyati beqiyosdir. Prezidentimiz 2019-yil 13-dekabrda "Konstitutsiya va qonun ustuvorligini ta'minlash, bu borada jamoatchilik nazoratini kuchaytirish hamda jamiyatda huquqiy jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish bo'yicha qo'shimcha choratadbirlar to'g'risida"gi Qarori odil sudlovni amalga oshirish va sud hokimiyati mustaqilligini ta'minlashning huquqiy asoslaridan biri bo'lib, mazkur Qarorga muvofiq davlat boshqaruv organlari zimmasiga sud ishlarini hal etishga aralashish, jumladan, ishning har tomonlama, to'la va xolisona o'rganilishiga to'sqinlik qilish, adolatsiz hukm, hal qiluv qarori, ajrim yoki qaror chiqarilishiga erishish maqsadida sudyaga turli shaklda ta'sir o'tkazish holatlari bo'yicha javobgarlikni kuchaytirishga oid qonun hujjatlari qabul qilingan.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 112-moddasida sudyalarning mustaqilligi, faqat qonunga bo'ysunishlari hamda sudyalarning odil sudlovni amalga oshirish borasidagi faoliyatiga biron-bir tarzda aralashishga yo'l qo'yilmasligi va bunday aralashuv qonunga muvofiq javobgarlikka sabab bo'lishi mustahkamlab qo'yilgan.¹

Ta'kidlash joizki, sudyalarning mustaqil va faqat qonunga bo'ysungan holda ish yuritishining konstitutsiyaviy normalar bilan kafolatlanishi sud hokimiyatiga boshqa hech qaysi organ vakolatiga taalluqli bo'lmagan huquq, ya'ni odil sudlovni amalga oshirish huquqi berilganligi bilan izohlanadi.

Jinoyat-protsessual kodeksining 14-moddasida odil sudlovni amalga oshirishda sudyalar va xalq maslahatchilari mustaqilligi, faqat qonunga bo'ysunishlari hamda sudyalar va xalq maslahatchilari jinoyat ishlarini qonun asosida ko'rib chiqishlari, hal qilishlari, shuningdek, sudyalar va xalq maslahatchilarining odil sudlovni amalga oshirish faoliyatiga biron-bir tarzda aralashishga yo'l qo'yilmasligi va bunday aralashuv qonunga muvofiq javobgarlikka sabab bo'lishi ifodalangan.²

Ushbu normaga ko'ra, sudyalar va xalq maslahatchilariga o'zlarining huquq va majburiyatlarini moneliksiz, samarali amalga oshirish uchun shart-sharoitlar yaratiladi. Hech kim sudyalar va xalq maslahatchilariga tazyiq o'tkazishga hamda muayyan jinoyat ishi qanday hal etilishi lozimligini o'rgatishga haqli emas. Ishning holisona ko'rib chiqilishiga to'sqinlik qilish yoki noqonuniy qaror chiqarilishiga erishish maqsadida sudyalarga, xalq maslahatchilariga har qanday ta'sir o'tkazish jinoiy javobgarlikka sabab bo'ladi.

Ushbu jinoiy javobgarlik mazmuni Jinoyat kodeksining 236-moddasida sud ishlarini hal etishga aralashish, ya'ni ishni har tomonlama, to'la va xolisona o'rganilishiga to'sqinlik qilish maqsadida adolatsiz hukm, hal qiluv qarori, ajrim yoki qaror chiqarilishiga erishish maqsadida sudyaga turli shaklda qonunga xilof ravishda ta'sir o'tkazish uchun uch yilgacha axloq tuzatish ishlari yoki bir yildan uch yilgacha ozodlikdan cheklash yoki uch yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanishi belgilangan.³

Sudyalarning mustaqilligi ular faqat qonunga bo'ysungan taqdirda, qonun ustuvorligi esa sudyalar tashqi va ichki omillar ta'siridan himoyalangan taqdirda mumkin bo'ladi. Sudyalar va xalq maslahatchilarining mustaqilligi hamda faqat qonunga bo'ysunish prinsipi jinoyat ishlarini ko'rib chiqishda sudyalarni har qanday ta'sirlardan himoya qiladi. Jinoyat protsessi ushbu prinsipning asosiy mohiyatlarining biri ham ana shundadir. Ushbu prinsipga binoan ular o'zi ko'rilayotgan ishga nisbatan har qanday tahmin va g'arazlikdan xoli bo'lishlari kerak hamda o'z qarorlarini

¹ O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi Toshkent – "O'zbekiston"- 2018 64-bet

² O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksi –T.: Adliya vazirligi, 2019 3-bet

³ O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi. –T.: Adliya vazirligi, 2019 184-bet



shunday tartibda qabul qilishlari kerakki, toki unda har bir sudya teng huquqli bo'lsin. Shuning uchun mazkur ishni ko'rib chiqishga monelik qiladigan, uning xolisligi va beg'arazligiga shubha tug'diradigan holatlar bo'lsa, sudya o'zini o'zi rad etishi va ishdan chetlatilishi kerak.

Sudyalar o'z vazifalarini amalga oshirganda, shuningdek, xizmatdan tashqari munosabatlarda odil sudlov nufuziga, sudyaning sha'niga putur etkazadigan yoki uning xolisligiga shubha uyg'otadigan barcha narsalardan yiroq bo'lishi kerak.

2019-yilda O'zbekistonga rasmiy tashrif natijalari bo'yicha dastlabki mulohazalarida BMTning sudyalari va advokatlar mustaqilligi bo'yicha maxsus ma'ruzachisi Diego Garsiya-Sayan mamlakatimizdagi odil sudlov va sud hokimiyatining mustaqilligini ta'minlash bo'yicha amalga oshirilgan ishlar yuzasidan quyidagilarni keltirib o'tdi, ya'ni uch yil mobaynida oqlov hukmlari ko'rsatkichlarining ortib borishi sud hokimiyatining mustaqilligi tomon bosqichma-bosqich harakat davom etayotganligidan dalolat beruvchi ko'rsatkichdir. Jumladan 2016 yil faqat 6 ta oqlov hukmi qayd etilgan bo'lsa, bu ko'rsatkich 2017 yilda 263 tani, 2018 yilda esa 867 tani tashkil etgan va 2019 yilning 9 oyida 500 dan ziyod kishi oqlangan.¹

Xulosa o'rnida ta'kidlash joizki, sud hokimiyati mustaqilligining ta'minlanishi inson huquqlari va qonuniy manfaatlarini muhofaza etish mexanizmining yanada takomillashuviga, sudlar tomonidan qonuniy qarorlar qabul qilinishiga hamda jamiyat rivojlanishiga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi -T.: O'zbekiston, 2019.
2. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi –T.: Adliya vazirligi, 2019
3. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksi –T.: Adliya vazirligi, 2019

¹ BMT ning rasmiy ma'ruzachisi Diego Garsiya-Sayanning 2019 yil 19-25 sentyabr kunlari O'zbekistonga tashrifidagi maruzasidan



ЎЗБЕКИСТОНДА МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Салимова Диёрахон Бахтиёржон қизи,
Қашқадарё вилоят юридик
техникум ўқитувчиси
Телефон: +998998410096

Аннотация: Бугунги кунда ҳуқуқ тизими ривожланган, илғор мамлакатларда низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларида фойдаланиш кенг тарқалган бўлиб, 80-90 фоиз ишлар айнан медиация усулида ҳал этилмоқда. Ушбу мақола суд тизимини ислоҳ қилишда муҳим ўрин тутган медиациянинг Ўзбекистон ҳудудида жорий этилганлиги, унинг афзалликлари ва аҳамиятини ёритиб беради.

Калит сўзлар: Медиация, муқобил усул, медиатор, тарафлар, ихтиёрийлик, низо, воситачилик, профессионал ва нопрофессионал медиатор, медиатив келишув.

Ҳаётимиз давомида оилада, бизнесда, меҳнат фаолиятида кўплаб низоларга дуч келамиз. Низолашаётган тарафларнинг ҳар иккиси ҳам низони камчиқим тарзда, ўз фойдасига ҳал этилишини истайди. Бугунги ривожланаётган демократик жамиятда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ошиши суд инстанцияларига бўлган мурожаатларнинг ҳам ортишига олиб келмоқда. Мана шундай шароитда медиацияни қўллаш орқали низони тинч йўл билан ҳал этиш энг мақбул ечим ҳисобланади.

Қисқача айтганда, **медиация** – тарафлар учун мақбул қарорга эришишда бетараф (халис) иштирокчи кўмагида низони ҳал қилишнинг муқобил усули.

Ушбу фаолият билан шуғулланувчи шахслар – медиаторлар дейилади.

Медиация жараёни ҳамда “Медиация тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли орасида кенг тушунтирилиши натижасида низоларни суд тартибида эмас, балки айнан медиацияни қўллаш орқали ҳал этилишига эришилади. “Медиация” тушунчаси лотин тилидаги “mediate” сўзидан клиб чиққан бўлиб, “воситачилик” деган маънони ўзида мужассамлантирган. Медиация бошқа турдаги низоларни ҳал этиш усулларида ўзининг бир қанча афзалликлари билан ажралиб туради.

Медиациянинг афзалликлари

1. **Медиациянинг ихтиёрийлиги**, яъни бунда низони медиация усулида ҳал қилишни ва медиаторни ҳар икки тарафларнинг ўзи танлайди, исталган вақтда тарафларнинг ҳар бири ушбу келишувни рад этиши мумкин. Шунингдек шартнома шартлари ҳам иккала тарафлар бир келишувга келгандагина белгиланади.

2. Низони ҳал қилиш қисқа муддатларда ва томонлар камҳаражат қилган ҳолда амалга оширилади, бунда бизга маълумки, низони суд тартибида ҳал қилиш узоқ муддатли ва харажатли жараён бўлиб, судда тарафлар мағлуб ёки ғолиб бўлади ва мағлуб тараф одатда суд қароридан доимо норози бўлади, кўриниб турибдики низони медиация усулида ҳал қилиш қисқа муддат ва камҳаражатлиги билан ўз афзалликларига эга.

3. Медиация жараёни **махфий** бўлиб, тарафларнинг розилигисиз маълумотлар ошкор этилмайди, бунда медиаторга жараённи ошкор қилмаслик мажбурияти юклатилади, шу билан бирга суддан фарқли ўлароқ, низо тарафи ва медиатордан бошқа шахслар низо ҳақида билмаслиги ҳам медиациянинг устунлик тарафидир. Бу эса тарафларнинг ўзаро ва медиаторга нисбатан ишончини мустаҳкамлайди.

4. Ҳар икки томонларнинг манфаатидан келиб чиқиб қарор қабул қилинади;

5. Ҳаттоки, судда иш кўриляётган ёки ижро иши юритилаётган босқичда ҳам медиация келишувини тузиш мумкин.

Қонунга кўра, Медиаторлар профессионал ва нопрофессионал турларига бўлинади.

Профессионал медиатор - Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича Юристар малакасини ошириш марказида махсус ўқув курсидан ўтган ва профессионал медиаторлар реестрига киритилган шахс. Ушбу реестр Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Нопрофессионал медиатор - 25 ёшга тўлган ва медиатор вазифаларини бажаришга розилик берган шахсдир. Медиатор бирон-бир давлат органига боғлиқ бўлмаслиги керак.

Медиаторнинг вазифаси – тарафлар ўртасида ёзма низони ихтиёрий ҳал этишга эришиш.



Шу ўринда айтиш жоизки, юқорида таъкидланаётган фаолият тури билан бирор-бир давлат органи билан боғлиқ бўлмаган шахсина шуғуллана олиши мумкин.

Медиация куйидаги ҳолатлар муносабати билан тугатилади:

тарафлар томонидан медиатив келишув тузилганлиги;

низо хусусида ўзаро мақбул бўлган қарорга эришиш имконияти йўклиги;

мавжуд ихтилофлар бўйича келишувга эришмай туриб медиацияни тугатиш тўғрисида тарафларнинг келишуви тузилганлиги (медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида ёзма келишув мавжуд бўлган тақдирда);

бирор-бир тарафнинг медиацияни давом эттиришдан воз кечишни маълум қилганлиги;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддатлари ўтганлиги.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича тарафлар келиб чиққан низо ёхуд мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари хусусида ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда, тарафлар ўртасида ёзма шаклда медиатив келишув тузилади. Ушбу келишув уни тузган тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлиб, ушбу келишув унда назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тарафлар томонидан ихтиёрий равишда бажарилади. Медиатив келишув бажарилмаган тақдирда тарафлар ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини сўраб судга муурожаат этишга ҳақли.

Умуман олганда медиация кўринишидаги низони ҳал этиш усуллари Ўзбекистон ҳудудида қадим-қадимдан қўлланиб келинган. Мана шундай оила муносабатларидан келиб чиқадиған низоларда маҳаллий ҳоқимият органлари мутасаддилари - маҳалла фаоллари, оқсоқоллари муҳим ўрин тутган. Ўзбек менталитетида шарм, ҳаё, ор-номус тушунчалари шу қадар кучлики, оиладаги жанжаллар суд тартибида кўрилишига асло йўл қўйилмайди. Шу мақсадни кўзлаган ҳолда бизнинг ҳам суд тизимимизда янги институт жорий этилди. Хорижий мамлакатларда кўплаб низолар, деярли 80-90 фоиз низолар айнан шу усулни қўллаш орқали ҳал этилади.

Миллий ҳуқуқ тизимимизда медиацияни қўллашнинг ҳуқуқий асосларини тўлиқ жорий этишнинг зарур шарт-шароитларидан бири Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги Қонуннинг амалга киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ва бошқа шу каби қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшималар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2018 й.)

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 29 ноябрдаги 533-мх-сон буйруғига асосан Профессional медиаторлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом.

3. <https://lex.uz>

4. <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-i-suschnost-mediatsii>



YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI-MUHIM STRATEGIK KUCH SIFATIDA

Isroilova Sayyora Bohodirovna
Fargʻona Yuridik texnikum dekan uslubchisi
Toʻxtamatova Shoxsanam Xayrullojon qizi
Fargʻona Yuridik texnikum oʻquvchisi

Annotatsiya: Maqolada hozirgi kunda yurtimiz yoshlariga berilayotgan imkoniyatlar hamda ularni qoʻllab-quvvatlashda yoshlarga oid davlat siyosatining keng koʻlamli islohotlariga oid fikr-mulohazalar berilgan.

Kalit soʻzlari: yoshlarga oid davlat siyosati, harakatlar strategiyasi, Besh muhim tashabbus.

Mamlakatimizda yoshlar masalasi har doim davlat siyosati darajasiga koʻtarilgan. Yoshlarga oid davlat siyosati – bu davlatning demokratik taraqqiyot yoʻlida rivojlanishida yoshlarni muhim strategik kuch sifatida tan olishi, zamonaviy dunyoda yoshlarning ehtiyojlari, ularning mavjud demokratik muhitga toʻgʻri moslashuviga yoʻnaltirilgan qonunchilik va ijro etish xususiyatining yigʻindisi hamda oʻzining yoshlarga nisbatan boshqaruv va ijtimoiy funksiyalarini demokratik siyosiy tizim, xalqaro yoxud milliy huquq normalari talabi darajasida toʻliq bajarishidir. Yosh avlod vakillarining manfaatini, boshqa koʻpchilik qatlamlar vakillarining manfaatiga qarshi qoʻymasdan, umummilliy manfaat bilan uygʻunlashtirish – yoshlar siyosatining asosiy vazifasidir.

Bugungi kunda mamlakatimiz yoshlari uchun zamonaviy bilim olish, erkin kasb tanlash hamda oʻz imkoniyatlarini roʻyobga chiqarish uchun barcha sharoitlar yaratilgan. Mustaqillik yillarida mamlakatimizda yoshlarga oid davlat siyosati tubdan isloh etilib, ularning huquqiy va siyosiy madaniyatini yuksaltirishga alohida eʼtibor qaratilib, qator maqsadli chora-tadbirlar amalga oshirildi. Ushbu soha muayyan darajada rivojlantirildi, jumladan, yoshlar huquqiy va siyosiy madaniyatini yuksaltirishning oʻziga xos xususiyatlarini eʼtiborga olish, yoshlarning ijtimoiy-siyosiy tadbirlardagi ishtiroki orqali huquqiy-siyosiy madaniyatining shakllanishi, ularning huquqiy va siyosiy madaniyatini yuksaltirishda davlat va fuqarolik jamiyati institutlarining hamkorligiga zamin yaratuvchi huquqiy baza yaratildi.

Mamlakatimizda yoshlarga oid davlat siyosati sohasida keng koʻlamli ishlar amalga oshirilmoqda. Oʻtgan vaqt ichida yoshlarni har tomonlama qoʻllab-quvvatlash, ularning huquq va qonuniy manfaatlarini himoya qilish, mamlakatimiz istiqboli uchun masʼuliyatni oʻz zimmasiga olishga qodir, tashabbuskor, shijoatli yoshlarni tarbiyalash borasida alohida tizim yaratildi.

Oʻzbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi, Oliy Majlis palatalari huzurida Yoshlar parlamentlari, Oʻzbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi qoshida Yoshlar akademiyasi tashkil qilindi. Hududlarda “Loyihalar fabrikasi” ish boshladi.

Yosh avlodning sogʻlom oʻsishi, sifatli taʼlim olishi va barkamol shaxs boʻlib voyaga yetishini taʼminlash, shuningdek, yoshlarning madaniyat, sanʼat, sport, axborot texnologiyalari va kitob oʻqishga boʻlgan qiziqishini har tomonlama qoʻllab-quvvatlashga qaratilgan **“Besh muhim tashabbus”**ni joriy etish boʻyicha samarali ishlar amalga oshirilmoqda.

Yurtimizda tashkil etilayotgan yangi davlat va nodavlat maktabgacha taʼlim tashkilotlari, umumtaʼlim maktablari, oliy oʻquv yurtlari, nufuzli xorijiy universitetlarning filiallari, zamonaviy IT-parklar, madaniyat muassasalari va sport inshootlari, mutlaqo yangi namunadagi taʼlim maskanlari — “Prezident maktablari”, “Temurbeklar maktabi”, “Ijod maktablari” bugungi globallashuv sharoitida raqobatga qodir boʻlgan yetuk kadrlarning yangi avlodini tarbiyalashga xizmat qilmoqda.

Yoshlarimizning qonuniy huquq va manfaatlarini taʼminlash, ularning orzu-intilishlari, qobiliyat va salohiyatini roʻyobga chiqarishda olib borilayotgan Yoshlarga oid davlat siyosati davlat siyosatining eng muhim va ustuvor yoʻnalishi boʻlib, bu yoʻlda ulkan ishlarni amalga oshirilmoqda.

Eng yorqin namuna misolida shuni koʻrsatishimiz mumkinki, Yoshlarni qoʻllab-quvvatlash tizimini tubdan isloh qilish va yanada rivojlantirish maqsadida 2021-yil mamlakatimizda **“Yoshlarni qoʻllab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili”** deb eʼlon qilindi. Bu esa albatta, har bir yoshni har tomonlama qoʻllab-quvvatlashni, ularga keng koʻlamli imkoniyatlar yaratilishini taʼminlaydi.



Foydalanilgan adabiyotlar.

1. О‘zbekiston Respublikasida Yoshlarga oid davlat siyosatining tubdan isloh qilish va yangi bosqichga olib chiqish chora-tadbirlari to‘g‘risida PF-6017-son. – T.: 2020
2. О‘zbekistonda Yoshlarga oid davlat siyosatini 2025-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida Vazirlar Mahkamasining qarori. – T.: 2021



ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЕКТЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ ЗАРУРАТИ.

ВАЖНОСТЬ И НЕОБХОДИМОСТЬ ЗАЩИТЫ ПРАВ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ.

IMPORTANCE AND NECESSITY OF PROTECTION OF INTELLECTUAL PROPERTY RIGHTS.

Боқиев Хасанбой Ғиёсиддин ўғли

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
Божхона институти 4-курс курсанти:

Ушбу мақолада интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг аҳамияти ва нима сабабдан интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг такомиллаштириш зарурлиги сабаблари қисқача ёритиб берилган.

Калит сўзлар: интеллектуал мулк объектлари, халқаро конвенция, битим ва шартномалар тизими, илмий-тадқиқот ишлари, тажриба- конструкторлик ишлари, халқаро универсал ҳукуматлараро ташкилот, Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилиши, инновацион иқтисодиёт.

Инсоният тафаккури ривожини билан XXI асрга келиб илм-фан ва техника тараққиёти янада жадаллашди. Ҳаётимизга қанчадан-қанча сўнгги русумдаги техникалар, ахборот-коммуникация технологиялари кириб келди. Компьютер, қўл телефони, планшет воситалари яқин кўмакчимизга айланиб улгурди. Интернет тармоғи қулайликлари шу қадар кўпки, уларни санаб адоғига етолмаймиз. Буларнинг барчаси инсон тафаккури меваси ҳисобланади. Шунга кўра, интеллектуал мулк ҳар қандай жамият тараққиётида салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди.

Инсон тафаккурининг маҳсули сифатида яратилган фан, адабиёт ва санъат асарлари ҳамда саноат намуналари ҳар бир давлатда ҳуқуқий ҳимояга олинган. Бу тоифадаги маҳсулотлардан дунё жамоатчилиги баҳраманд бўлиши учун эса келишув ва шартномалар асосида бошқа давлатларда ҳам фойдаланишга йўл қўйилган. Бунинг учун ҳам миллий, ҳам халқаро-ҳуқуқий асослар ва механизмлар яратилган.

Халқаро конвенция, битим ва шартномалар тизими самарали ташкил этилганлиги сабабли, жаҳон ҳамжамияти интеллектуал мулк объектлари ва унинг савдосидан катта миқдорда даромад олмакда. Демакки, ғоялар, ишланмалар ва шахсий ҳуқуқлар ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотида каттагина улушга эга бўлмоқда. Давлатлараро халқаро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида эса халқаро универсал ҳукуматлараро ташкилотлар ҳам тузилган.

Дарқақиқат, бугунги тараққиёт даврида илм-фаннинг мислсиз ривожланиши шунга муносиб равишда интеллектуал мулк муҳофазасини изчил таъминлашни ҳам тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилади. Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилиши бугунги кунда ўта долзарб масалага айланган. Бунда, айниқса, рақамли технологияларнинг ривожланиши ва интернет тармоғи имконияти кенгайиши асосий омил бўлмоқда.

Ривожланган мамлакатларда инсон капиталидан самарали фойдаланиш, яратилган интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш жараёнига кенг жорий этиш ва интеллектуал мулк соҳасини иқтисодиётнинг энг ривожланган тармоқларидан бирига айлантириш иқтисодий тараққиётнинг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади. Маҳсулотни қадоклашда муваффақиятли ишлатилган битта товар белгиси йирик компания, ҳатто бутун давлатнинг имижини намоён этишга қодир. Бунга Rolex, Nike, Adidas, Apple, Toyota, Mercedes Benz каби машҳур брендлар яққол мисол бўла олади. Жаҳоннинг кўпгина ўлкаларида интеллектуал мулк давлат томонидан ҳимояланади. Интеллектуал мулк мамлакат иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмига айланиб бораётгани инobatга олинса, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги замон интеллектуал мулк муносабатларининг жадал ривожланишида ин-



теллектуал мулк институтини тартибга солувчи нормалар ҳар томонлама модернизация қилиниши лозим. Ушбу мақсад интеллектуал мулк соҳасида бизнес муҳитни ўзгартириш бўйича ҳуқуқий ва амалий чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Бу эса технологик ишланмаларни рағбатлантириш, муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг ҳимоясини кучайтириш, интеллектуал фаолият учун янги имкониятларни очиш, патентлашдаги тўсиқларни камайтириш, электрон патентларни бериш ва патент талабномаларида 3Д моделлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича чоралар кўришни ўз ичига олиши лозим.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ўтказилган таҳлили шуни кўрсатдики, интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга барҳам бериш, интеллектуал мулк объектларининг муҳофазаси бўйича ишларнинг лозим даражада бажарилмагани, интеллектуал мулк соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги, шунингдек, патент божлари ва тўловларининг юқори даражада экани ушбу соҳани ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Интеллектуал мулк муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, шунингдек, саноат мулкидан иборат. Унинг таркибига яна брендлар билан боғлиқ барча белгилар киради. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, асосан, оммавий ахборот воситалари ва IT соҳага нисбатан қўлланилади. Ушбу бозор мамлакатимизда саноат мулкига нисбатан бирмунча фаолроқ. Янги интеллектуал мулк пайдо бўлишига олиб келадиган кашфиёт ва Нобель мукофотига сазовор бўлган тадқиқотлар ҳар қандай ҳолатда ҳуқуқа ва бизнес томонидан ҳимоя қилиниши, шунингдек, жамият ва бизнес ихтиёрий равишда янги маҳсулот ва ечимларни ишлаб чиқиш учун янада шаффоф инновацион моделни қабул қилиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК АСОСЛАРИ” фани бўйича ўқув қўлланма (маруза матнлари тўплами), Божхона экспертизаси ва товарларни таснифлаш кафедраси бошлиғи, божхона хизмати полковниги, профессор Қ.Каримқулов, Тошкент, 2020 йил;
2. “ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ” китоби; И.М.Мўминов. Тошкент, 2005 йил;
3. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ: ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ (ўқув қўлланма), Тошкент-2019;
4. Интеллектуальная собственность. 4.1. Новосибирск. Наука. 1993.
5. В.И. Кудашов. Интеллектуальная собственность: охрана и реализация прав, управление. Минск, 2004;
6. Steward B., Badger C. The wink of an eye: Is the English Court of Appeal diluting trademark owners' rights? // TW.- 2007/2008.- № 203.;I
7. Palm J. Canon, Waterford. How the Issue of Similarity of goods should be determined in the Field of Trade Mark Law // EIPR.- 2007.- Vol.29.-N12.;
8. Ima.uz;
9. customs.uz;
10. ziyonet.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 26-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(1-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.03.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
